

**№ S/2 (3) - 2023**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ  
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ  
ELECTRONIC JOURNAL**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

***№ S/2 (3)-2023***

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

Специальный выпуск

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**  
Special Issue

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Ҳожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойкулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Хошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа оқтори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоэвна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент аҳборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлифи.

#### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон журнали  
1368-сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 - ТАРИХ ФАНЛАРИ

**Рахманова Мавлуда Эркин қизи**

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРГА ХАЛҚАРНИ МАЖБУРИЙ КЎЧИРИШ  
СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ ..... 9-16

**Икромжонов Акмалжон Махмуджонович**

ФАХРУДДИН ЎЭЖАНДИЙ ЯШАГАН ДАВРДА МОВАРОУННАҲР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
ВАЗИЯТ ВА ИЛМ ФАН РИВОЖИ ..... 17-25

**Холдоров Зоҳиджон Валижон ўғли**

ТУРКИСТОН ЛЕГИОННИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ТАРИХИДАН ..... 26-34

**Хамирова Дилфуза Улуғбек қизи**

НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ИЖОДКОРЛАР НИГОХИДА ..... 34-41

**Nag'ashboyev Qazbek Bozorboy uli**

SULTON RAXMONOV – SAYYORANING ENG KUCHLI ODAMI ..... 42-49

**Махмудов Махмуд Авазович**

ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ШАРОИТИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИЖТИМОЙ  
ТАБАҚАЛАШУВИ ..... 50-58

**Mamatov Bektosh Tolibjon o`g`li**

YALANGTO`SH BAHODIR VA ASHTARXONIY HUKMDORLAR ..... 59-66

### 08.00.00 - ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

**Muminova Elnoraxon Abdulkarimovna**

“YASHIL” IQTISODIYOTGA O’TISHNING XORIJY TAJRIBALARI ..... 66-75

**Файзуллоев Мирсаид Шухратович**

СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТИЗИМИДА КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ  
АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ ..... 76-85

**Кахарова Нилюфар Эркинжоновна**

OKR МЕТОДОЛОГИЯСИ ХАҶИДА ТУШУНЧА, МАҶСАДИ, АФЗАЛЛИГИ, ЖАРАЁНДАН  
КУТИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР ..... 86-91

**Насруллоев Ҳаётжон Ҳабибуллоевич**

СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ ..... 92-99

**Raxmonov Mirvoxid Rajabovich**

HUDUDNING INVESTISION JOZIBADORLIGI OMILLARINI  
EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH ..... 100-107

**Насруллоев Ҳикматулло Ҳабибуллоевич**

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ РАҶАМЛИ  
ЕЧИМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ..... 108-115

**Тоштемиров Шоҳруҳ Тошпўлатович**

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КАПИТАЛ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА  
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ ..... 116-120

|   |         |
|---|---------|
| <b>Насимов Равшанжон Азимович</b>   |         |
| МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ ЮКИНИНГ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА<br>ТАЪСИРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ .....  | 121-130 |
| <b>Nabieva Nilufar Muratovna</b>  |         |
| MARKETING AUDIT AND ITS IMPACT ON IMPROVING THE COMPETITIVENESS OF THE<br>COMPANY.....  | 131-139 |
| <b>Отамуродов Нуриддин Нажмиддинович</b>  |         |
| КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ COVID-19 ИНҚИРОЗ<br>ДАВРИДА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ<br>МАСАЛАЛАРИ .....      | 140-148 |
| <b>Hoshimov Jahongir Ravshanbek o'g'li</b>  |         |
| TO'G'RIDAN – TO'G'RI XORIJIY INVESTITISIYALARNI JALB QILISHDA MAMLAKAT<br>XATARLARINI KAMAYTIRISH.....  | 149-155 |
| <b>Yusupov Farruxbek Farxodovich</b>  |         |
| O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASIDA SOLIQ MA'MURCHILIGIDA SOLIQ TO'LOVCHILARGA XİZMAT<br>KO'RSATISHNI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI.....                            | 156-162 |
| <b>Kunduzova Kumrixon Ibragimovna</b>   |         |
| KİCHIK BİZNES KORXONALARIDA MOLİYAVİY REJALASHTIRISH VA<br>BYUDJETLASHTIRISHNING XUSUSİYATLARI .....  | 163-172 |
| <b>Зиёдинова Нилуфар Зариф қизи</b>   |         |
| ИНВЕСТИЦИОН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ<br>ҲИСОБОТЛАРНИНГ ЎРНИ .....  | 173-179 |
| <b>Насимджанов Юнусжон Зоҳидович</b>  |         |
| МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ<br>ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЕР СОЛИГИ МАЪМУРЧИЛИГИНИ<br>ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....                   | 180-187 |
| <b>09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>   |         |
| <b>Ҳакимов Акмалжон Мирзаганиевич</b>   |         |
| ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ГНОСЕОЛОГИК МОҲИЯТИ .....  | 188-192 |
| <b>Холмирзаев Нодиржон Низомжонович</b>   |         |
| УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ<br>ХУСУСИЯТЛАРИ .....   | 193-198 |
| <b>Boboqulov Abror Abdig'ani o'g'li</b>   |         |
| "OPEN ARTIFICIAL INTELLIGENCE GPT" TIL MODELINING FALSAFIY TAHLILI .....  | 199-204 |
| <b>Ялгашев Бунёд Махмудович</b>   |         |
| САМАРҚАНД ВОҲАСИ ЭТНИК ГУРУХЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА УЛАРНИГ ЯШАШ<br>ТАРЗИ .....  | 205-213 |
| <b>Safarov Maqsudali</b>  |         |
| ABU BAKR AR-ROZIYNING "TIBBI RUHONIY" (RUH TIBBIYOTI) ASARIDA G'AZABNI VA<br>INSONNING O'Z KAMCHILLIKLARINI BARTARAF QILISH<br>HAQIDA MULOHAZALAR ..... | 214-219 |
| <b>Сохибова Лола Жонибоевна</b>   |         |
| ШАХС МАДАНИЙ САВИЯСИ – МАДАНИЙ РИВОЖЛАНГАНЛИК ИФОДАСИ .....   | 220-224 |

|   |         |
|---|---------|
| <b>Адашова Махсума Махмудбоевна</b>   |         |
| ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ВА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ – ДУНЁ<br>ОЛИМЛАРИ НИГОХИДА.....                                  | 225-231 |
| <b>Mukhammediyarova Akhmaral</b>  |         |
| PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE CONCEPT OF NOOSPHERIC DEVELOPMENT IN THE<br>ECOLOGICAL AND GLOBAL SECURITY SYSTEM ..... | 232-239 |
| <b>10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>   |         |
| <b>Tilovov Ozod, Isoqulova Gulxon</b>   |         |
| FRAZEOLGIK BIRLIKLARDA SONLARNING QO'LLANILISHI VA ULARNING RAMZIY<br>MA'NOLARI.....                                  | 240-245 |
| <b>Surmilova Elena</b>  |         |
| GENDER STUDIES IN LINGUISTICS AND THEIR APPLICATION IN ENGLISH LANGUAGE<br>TEACHING .....                             | 246-252 |
| <b>Олимова Диляфрузхон Бахтиёржон қизи</b>  |         |
| ТИЛШУНОСЛИКДА БАҲО КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ .....  | 253-257 |
| <b>Djurayev Dilshod Mamadiyarovich, Radjabova Madinabonu Raimovna</b>   |         |
| XITOY TILI GRAMMATIKASIDAGI “NATIJA TO'LIQLOVCHISI (结果补语).....  | 258-262 |
| <b>Azzamov Yusufjon Radjaboy o'g'li, Jo'rayeva Xayriniso Shavkat qizi</b>   |         |
| EKOJURNALISTIKANING QO'LLANILISH KATEGORIYALARI .....   | 263-268 |
| <b>Fillipova Olga Igorevna</b>  |         |
| CONVERGENCE OF STYLISTIC DEVICES AS A CATEGORY OF REDUNDANCY.....   | 269-278 |
| <b>Ismoilova Dilorom Rustamjon kizi</b>   |         |
| LEXICAL UNITS OF THE SEMANTIC FIELD “MURDER”.....   | 279-285 |
| <b>12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР</b>   |         |
| <b>Ильясов Баходир Ильясович</b>  |         |
| ELEKTRON DAVLAT XIZMATLARINI KO'RSATISHNING TASHKILIY-HUQUQIY MEXANIZMI VA<br>UNING RIVOJLANISH YO'LLARI .....        | 286-293 |
| <b>Чориева Хуршидабону Хуррам қизи</b>  |         |
| ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ<br>ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ИШТИРОКИ .....       | 294-299 |
| <b>Хаётов Анвар Хусанович</b>   |         |
| ХАЛҚАРО ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИННИНГ МУХТОР МАҚОМИ ВА ТУРЛИ ҲУҚУҚ<br>СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ .....                   | 300-307 |
| <b>13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b>  |         |
| <b>Журабекова Хабиба Мадаминовна</b>  |         |
| РЕЧЕВАЯ АКТИВНОСТЬ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР КОММУНИКАТИВНОЙ<br>КОМПЕТЕНТНОСТИ .....  | 308-315 |

**Tursunova Aziza Xoshimovna**

WEB TEKNOLOGIYALAR ASOSIDA BILIMNI NAZORAT QILUVCHI DIDAKTIK VOSITALAR  
YARATISH USULLARI ..... 316-321

**Oblanazarov Faxriddin Asadovich**

FUTBOLCHILARNI TAYYORLASHDA TA'LIM VA MASHG'ULOTNING ASOSIY QONUN-  
QOIDALARINI AMALGA OSHIRISH ..... 322-329

**Isroilova Dildora Muxtarovna, Solijonova Dildora Ulugbekovna**

IJTIMOIY-SIYOSIY MATNLAR TARJIMASINI O'QITISHDA LINGVOMADANIY OMILLARNING  
O'RNI ..... 330-335

**Satvoldiyev Faxriddin Akbarali o'g'li**

MAKTAB O'QUVCHILARI HUQUQIY TA'LIM – TARBIYASINI SHAKLLANTIRISH BORASIDA  
OLIB BORILGAN TAJRIBA SINOV ISHLARI NATIJALARINING PEDAGOGIK TAHLILI ..... 336-342

**Jurayev Bobomurod Tojiyevich**

SHARQDA PEDAGOGIK FAOLIYATNING MAYDONGA KELISHI VA RIVOJLANISHI ..... 343-350

08.00.00-Иқтисодиёт фанлари

**Насимджанов Юнусжон Зохидович**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил изланувчиси

## **МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЕР СОЛИФИ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада аграр соҳадаги ислоҳотларнинг босқичлари ва концептуал асосларига бағишиланган бўлиб унда ушбу соҳадаги ислоҳотларни даврларга бўлиб таҳлил қилинган. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари таклиф қилинган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи юридик шахсларнинг ер солиғи маъмурчилигини асослари очиб берилган ва уларни такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ресурс солиғи, недра солиғи, бюджет, солиқ маъмурчилиги, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, солиқ ҳисботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси, қишлоқ хўжалиги, фермер хўжалиги, кўп тармоқли фермер хўжалиги, кластер тизими.

**Насимджанов Юнусжон Зохидович**  
Ташкентский государственный  
экономический университет,  
независимый исследователь

## **СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АДМИНИСТРИРОВАНИЯ ЗЕМЕЛЬНОГО НАЛОГА ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ, ПРОИЗВОДЯЩИХ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННУЮ ПРОДУКЦИЮ В РЕГИОНАХ НАШЕЙ СТРАНЫ**

**Аннотация.** Данная статья посвящена этапам и концептуальным основам реформ в аграрной сфере, в которой реформы в этой сфере разбиты на периоды. Предложены стратегические направления развития сельского хозяйства Узбекистана. Также раскрыты основы администрирования земельного налога юридическими лицами, производящими сельскохозяйственную продукцию, и разработано предложение по их совершенствованию.

**Ключевые слова:** налог на ресурсы, налог на недра, бюджет, налоговое администрирование, налоговый потенциал, нормативный анализ, налоговая отчетность, налоговые поступления, налоговые льготы, налоговая ставка, сельское хозяйство, ферма, многопрофильная ферма, кластерная система.

**Nasimdzhanov Yunusjon Zokhidovich**  
Tashkent State University of Economics  
Independent Researcher

## **IMPROVING THE ADMINISTRATION OF LAND TAX FOR LEGAL ENTITIES PRODUCING AGRICULTURAL PRODUCTS IN THE REGIONS OF OUR COUNTRY**

**Annotation.** This article is devoted to the stages and conceptual foundations of reforms in the agricultural sector, in which reforms in this area are divided into periods. Strategic directions for the development of agriculture in Uzbekistan are proposed. The basics of land tax administration by legal entities producing agricultural products are also disclosed, and a proposal for their improvement has been developed.

**Key words:** resource tax, subsoil tax, budget, tax administration, tax potential, regulatory analysis, tax reporting, tax revenues, tax benefits, tax rate, agriculture, farm, multi-profile farm, cluster system.

**DOI:** <https://doi.org/10.47390/B1342V3SI2Y2023N22>

## Кириш

Республикамида аграр соҳасида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида ташкилий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ижти-моий ўзгаришлар юз бермоқда. Ҳусусан, қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва улар мулкини ҳусусийлаштириш, жамоа ҳўжаликларига асосланган мулкчилик шаклини ташкил этиш жараёнида қишлоқ ҳўжа- лигига фермер ва деҳқон ҳўжаликлари ташкил этилиб пировард мақсад қишлоқ ҳўжалигига мавжуд иқтисодий салоҳиятдан унумли фойдаланишни таъминлаш ҳисобланади.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг асосий вазифаларидан бири геология-қидибув ишлари ҳажмини кескин ошириш, соҳага ҳусусий инвесторлар ва илфор хорижий компанияларни кенг жалб қилиш орқали юқори даражада қўшимча қиймат яратишдан иборат. Республикамиз солиқ тизимида табий бойликлардан самарали фойдаланиш мақсадларида фойдаланилган ер солиғидан самарали фойдаланиш сифатида белгилаган.

## Тадқиқот методологияси

Аграр соҳадаги солиққа тортиш ислоҳотларнинг босқичлари ва концептуал асосларини тадқиқ қилишида илмий абстракциялаш, индукция-дедукция каби назарий усулларидан ва кузатиш, статистик таҳдил, вертикал ва горизонтал таҳдил ва усуллардан кенг фойдаланилган.

## Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбек олимлардан F.A.Сафаров “Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг табиий ресурслардан самарали фойдаланишини солиқлар воситасида рағбатлантириш” мавзусидаги номзодлик диссертация ишида корхоналар ва ташкилотлар томонидан табиий ресурслар билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган кам чиқитли инвестициялар учун рағбатлантирувчи имтиёзларни қўллаш, табиий ресурс солиқларини ихчамлаштирилган солиққа тортиш тизимида ҳам қўллашни илмий асослаган, ноқишлоқ ҳўжалик корхоналаридан олинаётган ер солиғини ҳисоблаб чиқиш ва ундиришда улар фойдаланаётган ернинг кадастр қийматидан ундириш механизмини жорий қилиш масаласини таклиф қилган, ер ости бойликларидан олинадиган солиқларни ҳисоблашда ҳисобга олиш усулини таклиф этган ҳамда бу солиқни ундириш механизмларини янада такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиққан.[1]

Д.Қурбанов эса ўзининг диссертацион ва монографик тадқиқотлари асносида Ўзбекистонда “алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналарда сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланишини таъминлаш мақсадида уларга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этиш таклифини ишлаб чиққан, шунингдек, автотранспорт воситаларини ювишга ихтисослашган корхоналар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни белгилашни асослаган, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишини таъминлашда тадбиркорлик субъектларининг йиллик ялпи тушуми 1 млрд. сўмдан ошган тақдирда сув

ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилари таркибига киритилиши таклифи” ни ишлаб чиққан.[2]

Иқтисодчи С. Кузнецов тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб қувватлаш ма-салаларини назарий жиҳатдан тизимлаштириб, жараёнли парадигма сифатида унинг бир қанча муҳим иқтисодий тадқиқот қоидалари ёритиб берган. Хусусан, “Молиявий қўллаб қувватлаш” концепцияси пул маблағлари ёки моддий активларнинг комбинацияси сифатида тақ-дим этилишини эътироф этади[3].

Америкалик иқтисодчилар Зви Боди ва Роберт Мертонлар молиявий қўллаб-қувватлаш тизимиға аниқлик киритиб, молиявий қўллаб-қувватлаш тизими сифатида маълум объектларга нисбатан қабул қилинадиган тадбирларни амалга ошириш ҳаракатлари мажмуаси ва кетма кетлиги эканлигини илгари суришган. Улар молиявий таъминот билан боғлиқ қўллаб қувватлаш тизими молиявий категория сифатида молиянинг иқтисодий моҳияти ва функцияларига асосланиши лозимлигини эътироф этишади. [4]

Иқтисодчи С. В. Барулин, молиявий қўллаб қувватлаш тизимини икки томонлама жараён сифатида кўриб ўтади. Унинг фикрича молиявий қўллаб-қувватлаш тизими, алоҳида иқтисодий агентларни молиявий таъминот тизимини маълум ноаниқликлар шароитида оптимал таъминлашни мувофиқлаштириш ҳисобланади. [5].

Иқтисодчи И.В. Зиятковскийнинг фикрича, молиявий қўллаб қувватлаш яҳлит тизим сифатида жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини барқарор ривожланишини молиявий таъминлаш учун қулай муҳит яратадиган молиялаштириш манбалари ва шакллари тизимиdir[6].

Т. В Соколская қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимиға аниқлик киритиб, қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектларининг асосий ва айланма, хусусий ва қарз маблағлар билан таъминлаш, етарли ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш учун қулай молиявий шарт шароит яратиш тизими эканлигини таъкидлайди[7].

### **Таҳлил ва натижалар**

Солиқقا тортишнинг тарихий-эволюцион шаклланиши ҳолатига эътибор берадиган бўлсақ, солиқقا тортиш объектлари сифатида асосан даромад, мол-мулк белгиланган бўлса, кейинчалик ер участкаларидан фойдаланиш жараёни ҳам солиққа тортила бошланди. Жамиятнинг иқтисодий соҳаси такомиллашиб бориши биланқ, даромад олиш шакллари ва унга мувофиқ мол-мулкнинг янги турлари пайдо бўла бошлади, ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг саноатлашув даражаси ошиб бориши эса, ишлаб чиқарувчилар томонидан табиий бойликлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш кенгайиб борди, илгари ер бойликларидан фойдаланиб келинган бўлса, ер остидаги мавжуд табиий бойликлардан ҳам фойдаланиш даражаси ошиб борди. Давлатлар ўз қонунларида ер ва ер остидаги бойликларни миллий мулк-бойлик мақоми сифатида белгилаб қўя бошлади. Уларнинг техник хусусиятлари ва жамиятга фойдалилиги-заарлиги даражасидан келиб чиқиб улардан бошқаларга фойдаланиш хукуқларини ҳам бера бошлади, аммо, маълум бир ҳақ эвазига фойдаланиш муносабатлари пайдо бўлди.

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳисобланади. Қишлоқ

хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дараҳтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерларга ажралади.

Шунингдек, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, бўз ерлар, кўп йиллик дараҳтзорлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дараҳт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) эгаллаган ерлар ҳам қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради.

Ер фондининг асосий қисмларидан бир бу аҳоли фойдаланишидаги ер фонdlари ҳисобланади. Аҳоли пунктларининг ерлари маъмурий-худудий бирлик бўлиб, давлат ер фондининг бошқа тоифаларидан ўзига хос хусусиятлари, ҳукуқий ҳолати, фойдаланишнинг асосий мақсадига кўра ажралиб турди, уларга шу мақсадлар учун қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган шаҳар (посёлка) ва қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари киритилган.

Мазкур 1-жадалдан кўринадики, Ўзбекистонда юридик шахслар бўйича ер солигига тортилган ер участкаларининг ҳажми республикамиз ва унинг худудларида йил сайин ошиб борган. Чунончи, 2015 йилда унинг ҳажми 6 666,4 минг гектарни ташкил қиласа, 2022 йилнинг бошига келиб, 12 761,3 минг гектарни ташкил қиласа, тоифаларида белгилаб қўйилган шаҳар (посёлка) ва қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари киритилган.

#### 1-жадвал

#### Ўзбекистонда юридик шахслар бўйича ер солигига тортилган ер участкаларининг таҳлили<sup>1</sup> (минг гектар)

| Худудлар                     | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
|------------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 408,8   | 455,0   | 507,0   | 565,9   | 633,4   | 669,1   | 788,8   |
| Андижон вилояти              | 123,3   | 137,2   | 152,8   | 170,4   | 190,4   | 201,0   | 236,8   |
| Бухоро вилояти               | 1 396,8 | 1 553,4 | 1 728,7 | 1 925,7 | 2 148,6 | 2 266,2 | 2 669,2 |
| Жizzах вилояти               | 616,3   | 685,1   | 761,9   | 847,6   | 943,8   | 994,5   | 1 170,7 |
| Қашқадарё вилояти            | 770,3   | 856,4   | 952,4   | 1 059,8 | 1 180,5 | 1 244,1 | 1 464,6 |
| Навоий вилояти               | 1 558,0 | 1 732,3 | 1 927,0 | 2 145,2 | 2 390,9 | 2 520,5 | 2 967,9 |
| Наманган вилояти             | 122,0   | 135,7   | 151,1   | 168,4   | 188,2   | 198,6   | 234,1   |
| Самарқанд вилояти            | 456,5   | 507,9   | 565,6   | 630,6   | 704,6   | 743,7   | 876,3   |
| Сурхондарё вилояти           | 143,8   | 160,2   | 178,6   | 199,6   | 223,9   | 236,8   | 279,3   |
| Сирдарё вилояти              | 491,3   | 546,1   | 607,0   | 674,9   | 750,7   | 790,6   | 930,5   |
| Тошкент вилояти              | 284,1   | 317,1   | 354,8   | 398,8   | 451,4   | 479,4   | 566,9   |
| Фарғона вилояти              | 155,3   | 173,0   | 192,9   | 215,5   | 241,7   | 255,5   | 301,4   |

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

|                |                |                |                |                |                |                 |                 |
|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|-----------------|-----------------|
| Хоразм вилояти | 139,1          | 154,7          | 172,2          | 192,0          | 214,5          | 226,4           | 266,7           |
| Тошкент шаҳри  | 0,6            | 1,0            | 1,7            | 2,9            | 5,1            | 6,4             | 8,1             |
| <b>жами</b>    | <b>6 666,4</b> | <b>7 415,2</b> | <b>8 253,7</b> | <b>9 197,4</b> | <b>10267,7</b> | <b>10 832,7</b> | <b>12 761,3</b> |

Бунинг ҳисобига, илгари солиқقا тортилмайдиган ер участкаларининг ушбу корхоналарга ишлаб чиқариш мақсадларида биректирилиши ҳисобига рўй берган деб хулоса қилиш мумкин. Агар ушбу ҳолатни жисмоний шахслар кесимида кўрадиган бўлсак, қуйидаги жадвал асосида хулосалар олиш мумкин.

Бундан ташқари 2-жадвалимизда Ўзбекистонда ер солиғи бўйича юридик шахслардан олинадиган ер солигининг давлат бюджетига келиб тушишининг ҳолати шундан далолат берадики, 2015 йилда унинг миқдори 750 087,9 млн сўмни, 2016 йилда 966 684,1 млн сўмни, 2017 йилда 1 087 738,4 млн сўмни, 2018 йилда 1 504 212,9 млн сўмни, 2019 йилда 2 313 291,8 млн сўмни, 2020 йилда 1 168 775,7 млн сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилда эса, 2576 157,1 млн сўмни ташкил этиб, бу таҳлил қилинаётган йиллар кесимида (яъни 2021 йилда 2015 йилга нисбатан) 3,4 мартаға ошганлигини кўриш мумкин. Албатта юқорида кўриб ўтганимиздек, ер солиғи бўйича солиқ тушумларининг ҳиссасида жисмоний шахслардан олинадиган солиқни ҳам алоҳида таҳлил қилиш услубий жиҳатдан ўринлиdir.

## 2-жадвал

### Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тушумларининг 2015-2021 йилларга давлат бюджетига тушиши таҳлили<sup>1</sup> (млн сўм)

| Худудлар                     | 2015 й.         | 2016 й.         | 2017 й.         | 2018 й.         | 2019 й.          | 2020 й.            | 2021 й.           |
|------------------------------|-----------------|-----------------|-----------------|-----------------|------------------|--------------------|-------------------|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 28 413,2        | 43 777,5        | 51 265,6        | 80 220,4        | 124 822,8        | 47 012,2           | 115 718,5         |
| Андижон вил                  | 50 187,7        | 60 465,1        | 70 432,8        | 101 794,7       | 145 597,8        | 63 461,8           | 97 482,6          |
| Бухоро вило                  | 56 400,3        | 71 587,8        | 75 397,3        | 83 703,5        | 137 168,4        | 61 158,0           | 231 981,9         |
| Жizzах вил                   | 18 875,6        | 29 047,7        | 29 849,2        | 39 977,3        | 63 067,1         | 35 012,5           | 76 031,4          |
| Қашқадарё вил                | 61 282,8        | 81 213,4        | 90 623,7        | 107 271,7       | 177 891,0        | 91 496,8           | 232 541,7         |
| Навоий вил                   | 40 763,2        | 50 585,3        | 51 296,7        | 55 129,9        | 74 165,0         | 41 635,1           | 178 664,7         |
| Наманган вил                 | 48 073,1        | 55 059,2        | 68 773,8        | 96 537,0        | 136 190,3        | 59 617,5           | 111 594,1         |
| Самарқанд вил                | 68 935,5        | 91 759,0        | 118825,<br>3    | 146100,1        | 209 679,8        | 90 436,3           | 181 142,1         |
| Сурхондарё вил               | 48 161,9        | 60 353,1        | 72 544,9        | 97 254,0        | 126 903,0        | 51 076,4           | 95 888,1          |
| Сирдарё вил                  | 14 883,6        | 23 607,4        | 23 173,2        | 33 781,7        | 50 936,8         | 28 589,3           | 45 636,9          |
| Тошкент вил                  | 90 345,5        | 124351,<br>8    | 132104,<br>0    | 178261,0        | 285 713,6        | 182 674,8          | 378 288,1         |
| Фарғона вил                  | 76 694,9        | 93 649,8        | 114999,<br>6    | 147909,9        | 207 055,9        | 90 510,1           | 179 366,1         |
| Хоразм вил                   | 40 391,5        | 57 642,5        | 54 824,1        | 73 169,7        | 104 173,7        | 50 063,5           | 84 678,2          |
| Тошкент шаҳри                | 106679          | 123584          | 133628,<br>3    | 263101,9        | 469 926,5        | 276 031,5          | 567 142,7         |
| <b>жами</b>                  | <b>750087,9</b> | <b>966684,1</b> | <b>087738,4</b> | <b>504212,9</b> | <b>2313291,8</b> | <b>1 168 775,7</b> | <b>2576 157,1</b> |

<sup>1</sup> Ўзбекистон республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

Сабаби жисмоний шахсларга нисбатан ер солиғи бўйича солиқ маъмурчилиги юридик шахсларга нисбатан анчайин фарқланади. Албатта, солиқ тушумларининг ошишининг сабаблари сифатида Янги таҳирдаги Солиқ кодексининг қабул қилиши ва бошқа солиқ қонунчилигига асосан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар бўйича ер солиғи ставкалари ягона ер солиғи сингари қишлоқ хўжалиги экинзорларининг меъёрий қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда, мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналари учун мева-сабзавотчилик маҳсулотлари эгаллаган ерлар учун эса қатъий ставкада ва ер майдонининг бонитет балидан келиб чиқиб ҳисобланганлиги ҳамда йиллик пул айланмаси 1 миллиард сўмгача ҳамда суғориладиган ер майдони 50 гектаргача бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширувчи корхоналар айланмадан олинадиган солиқ ва бошқа солиқларни тўлаш тартиби белгиланганлигини ҳам муҳим омиллар сифатида келтириш ўринлидир.

*Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи юридик шахсларнинг ер солиғи базаси:* Юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича ер солиғи базаси – Солиқ кодекснинг 428-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер участкалари чегириб ташланган ҳолда, ер участкаларининг қонунчиликка мувофиқ аниқланган норматив қиймати.

Маълумот учун: Қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 235-сон қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида” Низомга мувофиқ аниқланади.

*Солиқ ставкаси:* Юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар учун солиқ ставкалари қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда белгиланган.

*Солиқни ҳисоблаш ва солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби:* Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича солиқ солиқ даврининг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқарилади ва солиқ ҳисоботи ер участкаси жойлашган ердаги солиқ органига жорий солиқ даврининг 1 майдидан кечиктирмай тақдим этилади.

Солиқ даври мобайнида қишлоқ хўжалиги экинзорларининг умумий майдонида ва таркибида ўзгаришлар юз берган юридик шахслар қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлари бўйича аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини жорий йилнинг 1 декабрига қадар тақдим этади.

*Тўлов муддатлари:* Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун солиқни тўлаш:

ҳисобот йилининг 1 сентябрига қадар — йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи; ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар — солиқнинг қолган суммаси.

Жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун, шунингдек дехқон хўжалигини юритиш учун белгиланган тартибда берилган ер участкаларини солиқقا тортиш тартиби

*Солиқ базаси:* Жисмоний шахсларга берилган, шунингдек дехқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича солиқ базаси Солиқ кодекси 428-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари чегириб ташланган ҳолда, ер участкаларининг қонунчиликка мувофиқ аниқланган норматив қийматидир.

Бунда ер участкаларининг норматив қиймати тегишинча туманнинг (шаҳарнинг) суғориладиган ёки суғорилмайдиган ерлари учун ўртача ҳисобда аниқланади.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-812-сонли Қонуни билан Солиқ кодексининг 435-модда иккинчи қисмига жисмоний шахсларга берилган, шунингдек дехқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича солиқ базаси ушбу Кодекс 428-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари чегириб ташланган ҳолда, ер участкаларининг қонунчиликка мувофиқ аниқланган норматив қийматидир деган ўзгартириш киритилди.

Мазкур ўзгартиришга асосан, кадастр органи томонидан жисмоний шахс эгалигидаги нотурар обьект жойлашган ер участкалари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасига ўзгартирилган ҳолда солиқ органларига тақдим этилса, 2023 йил учун мазкур ерларга солиқ қишлоқ хўжалиги ерлари учун белгиланган ставкада (0,95 фоиз) ҳисобланади.

*Солиқ ставкаси:* Жисмоний шахсларга берилган, шунингдек дехқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга солиқ ставкаси қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда белгиланади.

*Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби:* Жисмоний шахсларга берилган, шунингдек дехқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматини аниқловчи органнинг маълумотларига асосан, белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Солиқ органлари ҳар йили 1 марта кечиктирмай солиқ суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномасини жисмоний шахсларга имзо қўйдириб ёки тўлов хабарномаси олинганлиги фактини ва олинган санани тасдиқловчи бошқа усулда топширади.

### **Хулоса ва таклиф**

Мавзу бўйича ўрганишлар асосида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

Дунёда энг глобал муаммолардан бири бу табиий бойликлар чекланганлик шароитида аҳолининг турли хил эҳтиёжларини қондириш, мамлакатларнинг социал-иқтисодий ривожланишини таъминлаш йўлида табиий ресурслардан самарали ва мақсадли фойдаланишини таъминлаш масалалари бўлиб, бу йўналишда турли хил молиявий инструментлардан фойдаланишини тақозо этади. Шу жиҳатдан олганда, солиқ тизимининг муҳим вазифаларидан бири сифатида табиий бойликлардан фойдаланувчиларидан самарали фойдаланишга ундовчи (мажбурловчи) ва жамиятнинг иқтисодий ҳамда социал манфаатлари доирасида мақсадли фойдаланишини таъминлаш бўлмоғи лозим.

**Адабиётлар/Литература/References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси- Тошкент: Фафур Ғулом нашриёт уйи 2020.- 640 б.
2. F.A.Сафаров. Хўжалик юритувчи субъектларнинг табиий ресурслардан самарали фойдаланишини солиқлар воситасида рағбатлантириш. Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. Т.Академия. 2006 й. 26 б.
3. Д.Р.Қурбанов Ўзбекистон республикасида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш. И.ф.д (DSc)... дис... автореферати. – Т.: 2020. -38 б.
4. Kuznetsov, S.A. (1998). Great Dictionary of the Russian language. – St. Petersburg, “Norint”
5. Bodи, Zv., Merton R.K. (2013). Finance. – Moscow, Publishing House “Williams”, 2013.
- Bolshakov, S.V. (2006). Finance companies. Theory and practice. – Moscow: Book World, 2006. – 617 p.
6. Barulin, S.V. (2010). Finance. – Moscow, KNORUS, 640 p.
7. Zyatkovskyy, I.V. (2000). The financial support of business – Ternopol, Economic thought, 215 p.
8. Sokolska, T.V. (2014). Financial support for agriculture. Economy and management of agribusiness, issue 1, p. 140-146.
9. Нормурзаев Умид Холмурзаевич Солик имтиёzlари орқали иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислоҳотларни қўллаб-куватлаш сиёсати // Экономика и финансы (Узбекистан). 2020. №4 (136). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/soli-imtiyozlari-or-ali-i-tisodiyot-tarmo-lari-amda-so-alarida-tizimli-tarkibiy-islo-otlarni-llab-uvvatlash-siyosati> (дата обращения: 17.01.2023).
10. Нормурзаев У.Х. Иқтисодиётни тартибга солища солик имтиёzlарининг аҳамияти ва бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли//Экономика и финансы (Узбекистан). 2014. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/i-tisodiyotni-tartibga-solishda-soli-imtiyozlarininig-a-amiyati-va-byudzhet-daromadlarini-shakllantirishdagi-roli> (дата обращения: 17.01.2023).

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

**№ S/2 (3) – 2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**  
Специальный выпуск

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**  
**Special Issue**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**  
100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).